O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV. №

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 11-mart • Seshanba • 31 (27.836) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

### ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКМАНИСТОН

**Сиёсий ҳамкорлик нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда, балки минтақада ўзаро ишонч тамойилларини мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини фаоллаштиришда ҳам муҳим омил саналади. Иқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика ресурслари ва сув иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, чегарадош ҳудудларда савдо-сотиқни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд.**

## ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

**Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 10 март куни давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келди.**

Дўрмон қароргоҳида Туркманистон раҳбарини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркманистон давлат мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан кейин Президентларнинг яккама-якка суҳбати бошланди. Ислом Каримов Туркманистон раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи ўзаро муносабатларнинг суръат ва сифатини оширишга, ҳамкорликнинг янги қирраларини очишга хизмат қилишини таъкидлади. Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистонга таклиф этгани учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Туркманистон Ўзбекистон билан ҳамкорликни, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ришталарини, маънавий яқинликни юксак қадрлашини қайд этди. Президентлар бугунги музокаралар Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари тарихига янги, ёрқин саҳифа бўлиб киришига ишонч билдирдилар.

Суҳбат чоғида икки томонлама алоқаларга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди. Президент Ислом Каримовнинг 2007 йил октябрь ойидаги Туркманистонга давлат ташрифи асносида эришилган келишувларнинг ижроси кўриб чиқилди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Президентлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолатига баҳо берар экан, мамлакатларимиз ҳамкорликни ривожлантириш борасида катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидладилар. Сиёсий соҳада халқаро ташкилотлар доирасида ҳамжиҳат иш юритиш икки томон манфаатига бирдек хизмат қилади. Сиёсий ҳамкорлик нафақат икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда, балки минтақада ўзаро ишонч тамойилларини мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини фаоллаштиришда ҳам муҳим омил саналади. Иқтисодий соҳада ёқилғи-энергетика мажмуи, транспорт коммуникациялари, сув-энергетика ресурслари ва сув иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, чегарадош ҳудудларда савдо-сотиқни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Ўзбекистонда туркман, Туркманистонда ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилиши ҳам гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришни тақозо этади. Маданият, санъат, илм-фан, спорт, сайёҳлик соҳаларидаги алоқаларни ривожлантириш учун Ўзбекистон ва Туркманистонда яхши замин бор.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Унда Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги муносабатлар кўп асрлик тарихга эга эканлиги, истиқлол йилларида янги мазмун билан бойиб бораётгани, бугунги саммит икки халқнинг вақт синовидан ўтган қардошлик ришталари мустаҳкам эканлигидан ёрқин далолат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Музокарада Ўзбекистон ва Туркманистон чегарага оид масалаларни оқилона ва амалий ёндашув орқали ҳал қилиб келаётгани қайд этилди. 2004 йили Бухорода бўлиб ўтган саммит асносида фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган хўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон — Туркманистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланган эди.

2007 йилда бўлиб ўтган Ашхобод саммитида эса давлат чегаралари орқали ўтказиш пунктлари тўғрисидаги ҳукуматлараро битим имзоланди. Бу билан мамлакатларимиз ўртасидаги чегара тинчлик, дўстлик, яхши қўшничилик чегарасига айланди. Президентларнинг келишувига биноан ҳуқуқ-тартибот, чегара ва божхона хизматларининг саъй-ҳаракатлари ўзаро мувофиқлаштириб бориладиди.

Ўзбекистонда ҳам, Туркманистонда ҳам транспорт инфратузилмаси яхши ривожланган. Мамлакатларимизнинг жуғрофий жойлашуви эса транспорт соҳасида хизмат кўрсатиш ҳажмини ошириш учун муҳим аҳамиятга эга. Бу транзит юк ташишда ҳамкорлик учун қулай имкониятдир. Ўзбекистоннинг бир йилда Туркманистон ҳудуди орқали ўтадиган юклари ҳажми 2 миллион тоннадан ошади. Туркманистоннинг Ўзбекистон ҳудуди орқали ташиладиган юклари ҳам шунга яқин. Демак, мамлакатларимиз ҳамкорликнинг бу соҳасида салмоқли тажрибага эга. Бу халқаро транзит соҳасидаги шериклик алоқаларини ривожлантириш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Нефть-газ соҳаси икки мамлакатда ҳам юқори суръатда ривожланмоқда. Бугун, дунёда энергия манбаларига талаб кун сайин ортаётган шароитда дунё давлатлари Ўзбекистон ва Туркманистонга яна ҳам кўпроқ эътибор қаратмоқда. Мамлакатларимиз билан нефть-газ соҳасида ҳамкорлик қилаётган, шерикликка киришиш истагини билдираётган компаниялар сони ортиб бораётир. Ўзбекистон ва Туркманистон энергетик консорциумлар тузиш, янги қувур магистраллари барпо этиш, нефть ва газ ташиш, транзит қилиш, янги конларни ўрганиш ва ўзлаштириш йўлида ҳамкорлик учун яхши имкониятларга эга. Хусусан, мамлакатларимиз Каспийбўйи магистрали лойиҳасида биргаликда иштирок этмоқда.

Президентлар икки томонлама иқтисодий ҳамкорликка оид кўрсаткичлар мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми, қўшма корхоналар сони Ўзбекистонни ҳам, Туркманистонни ҳам қониқтирмайди. Мамлакатларимиз ишбилармонлари мазкур соҳаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, сув-энергетика мажмуи, савдо-сотиқ каби кўплаб йўналишларда икки томонлама манфаатли ҳамкорликни ривожлантириши мумкин. Масалан, сув-энергетика соҳасидаги алоқалар иқтисодий фойда бериш билан бирга, ресурслардан тежамли фойдаланишни йўлга қўйиш ва шу орқали экологик мувозанатни сақлаш имконини беради.

Иш одамлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асоси яратилган, бизнес вакилларининг алоқаларини рағбатлантириш механизмлари ишлаб чиқилган. Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркманистон ҳукуматлараро қўшма комиссиясининг олдига қўйилган энг муҳим вазифалардан бири ҳам товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналарни кўпайтиришдир.

Ўзбекистонда Туркманистон, Туркманистонда Ўзбекистон товарлари миллий кўргазмаларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу икки мамлакатнинг салоҳияти, ҳамкорлик имкониятлари билан танишиш учун қулай шароит яратади.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида замонавий технологиялар борасидаги алоқалар ҳам талаб даражасида эмас. Ваҳоланки, бугун дунёда айни шу соҳа энг жадал тараққий этмоқда. У ёқилғи-энергетика мажмуида ҳам, транспорт коммуникацияларида ҳам, бошқа устувор соҳаларда ҳам кенг жорий этилмоқда. Бу йўналишда ҳамкорлик қилиш, тажриба ва ахборот алмашиш ҳозирги кунда энг долзарб вазифалар сирасига киради.

Президентлар гуманитар соҳадаги алоқаларга алоҳида эътибор қаратдилар. Тошкентда ва вилоятларда туркман миллий маданият марказлари фаолият кўрсатмоқда. Туркман тилида дарс ўтиладиган мактаблар бор. Буларнинг барчаси халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришга хизмат қилади. Илм-фан, маданият ва санъат намояндаларининг мулоқотларини фаоллаштириш бу дўстликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг гўзал табиати сайёҳликни ривожлантириш учун яхши омил саналади. Икки томонлама сайёҳ алмашувининг ривожланиши сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштиришда ҳамкорлик жадаллашишига, пировардида, бошқа давлатлардан сайёҳ жалб этишнинг кўпайишига олиб келади. Ўзаро спорт мусобақаларини ташкил этиш ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш мақсадларига хизмат қилади.

Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов ушбу имкониятларни таҳлил этиб, Ҳукуматлараро қўшма комиссияга, мутасадди вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар бердилар.

*(Давоми 2-бетда)*

### ☑ Истиқлол имкониятлари



## Ҳамкорлар мамнун

Пойтахтимизда фаолият юритаётган «Алким текстил» масъулияти чекланган жамияти Туркиянинг «Alkim texctil» компанияси билан 2004 йилдан буён ҳамкорлик қилиб, катта имкониятлар эшигини очди. Корхонада асосан болалар кийимлари ва тайёр трикотаж полотнолари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотларнинг ранг-баранглиги, сифати ва хушбичимлиги харидорларга манзур.

Корхона тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда қўлланиладиган кимёвий моддалар ва бўёқлар савдоси билан ҳам шуғулланади. Юртимиздаги тўрт юзга яқин цех ҳамда оила пудрати асосида иш юритувчи жамоалар билан ҳам ҳамкор, ҳамнафас. Тўқсон фоиздан зиёд маҳсулотлари Россия, Германия, Нидерландия, Бельгия, Австрия, Туркия сингари хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

2007 йилда умумий баҳоси қарийб саккиз миллион АҚШ долларига тенг маҳсулот ишлаб чиқарган корхона жорий йилда бу кўрсаткични ўн миллион долларга етказишни режалаштирган.

***Суратда:** корхонанинг илғор ёшлари.*

**М.АМИН (ЎзА) олган сурат.**

### ☑ Депутат ва ҳаёт

«...депутат деган юксак ишончга сазовор ҳар қайси инсон аввало ўзи учун овоз берган одамлар ҳақида ўйлаши зарур...»

**Ислом КАРИМОВ**

## Бурч ва масъулият

Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг фаолияти, ваколатларига эътибор қаратсак, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти, умуман инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда унинг роли нечоғли муҳим эканига амин бўламиз. Аммо парламентнинг самарали фаолият юритиши фақатгина қонунларга эмас, унинг аъзолари, хусусан Қонунчилик палатаси депутатларининг жонкуярлигига ҳам бевосита боғлиқ. Шу сабабли, амалдаги қонунларимизда Қонунчилик палатаси депутатининг мақомига алоҳида эътибор қаратилган, унинг ваколатларини белгиловчи қатор қонунлар қабул қилинган. Уларга мувофиқ Қонунчилик палатаси депутати ўз фаолиятини монеликсиз амалга ошириши, сайлов округларида сайловчилар билан олиб борадиган ишларини самарали ташкил этиши учун барча имкониятлар яратилган, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг кафолати мустаҳкамланган.

Мамлакатимиз сайлов тизимининг афзаллиги шундаки, фуқаролар парламент сайловларида иштирок этиб, нафақат сиёсий партияларнинг дастури, балки маълум округ бўйича кўрсатилган шахсга овоз бераётганликларини яхши билади. Натижада, сайловлардан сўнг, зарурат бўлганда кимга ва қайси депутатга тўғридан-тўғри мурожаат қилиш мумкинлиги маълум бўлади. Шунингдек, депутат ҳам сайловчилар олдидаги масъулиятини чуқур ҳис қилиши талаб этилади.

2-бет

## Юртимизда Наврўз шукуҳи



**САМАРҚАНД.** Мамлакатимизнинг ҳамма гўшаларида бўлгани каби, Самарқанд вилоятида ҳам яшариш ва янгиланиш байрами — Йилбошига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Кўча ва хиёбонлар, қутлуғ қадамжолар атрофида катта ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

— Байрам муносабати билан шаҳар ва туманлар марказларидаги катта майдонлар, хиёбонларда саҳналар ташкил этилиб, миллий халқ ўйинлари, спорт мусобақалари баҳорий таомлар танловлари ўтказилади, — дейди **«Маҳалла» жамғармаси, Оқсоқоллар кенгаши вилоят бўлими раиси Шавкат Жониқулов.** — Қўшработ, Нуробод, Ургут, Каттақўрғон, Иштихон, Пахтачи каби қатор туманларда байрам табиат бағрида нишонланади. Миллий удум, анъаналаримизга ҳамоҳанг спорт ўйинлари бўйича ёшлар фестивали, марафон ва кўрик-танловлар ҳам бўлиб ўтиши режалаштирилган. Асосий тантаналар ўтказиладиган қадимий Самарқанд шаҳридаги оммавий томошагоҳлар, истироҳат боғлари ва «Регистон» майдонида катта ҳозирлик ишлари ниҳоялаб қолди...

— Ҳозир ишчи-хизматчиларимиз, — сўзга қўшилди **Самарқанд шаҳар ободонлаштириш департаментни бошлиғи Бобур Алиев.** — Шаҳардаги марказий кўчалар, корхона ва ташкилотларда кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда ободонлаштириш ишларини олиб бориш баробарида 6 мингдан зиёд манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ҳа, бугун вилоят шаҳар-қишлоқлари ва дашту далаларида улуғ айём — Наврўз шукуҳи кезаётир.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



Хусан ТЎҒИЗОВ олган суратлар

**БУХОРО.** Ислом оламининг буюк намояндаларидан бири Абдулхолиқ Ғиждувоний ватани — Хожаи жаҳонда ҳам Наврўз байрамига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Барча маҳалла ва қишлоқларда тозалик, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари авжида.

— Ғиждувон азалдан баҳаво ва обод гўша саналган, — дейди **туман ҳокими Толибжон Қудратов.** — У байрамлар арафасида янада ўзгача тароват касб этади. Бугун ғиждувонликлар қалб амри билан Хожаи жаҳон зиёратгоҳи, Ибн Сино хиёбони, Юсуф Ҳамадоний кўчаси, қадимий Пирмаст руди атрофида гулзорлар барпо этиб, Наврўз тантаналари бўлиб ўтадиган жойларни тартибга келтирмоқдалар. Биргина бу эмас. Улфатбиби қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи биноси эрта-индин фойдаланишга топширилади. Соктари, Зарангари қишлоқларида эса транспорт, педагогика коллежлари қурилиши бошлаб юборилди. Ана шу масканлар атрофини кўкаламзорлаштириш учун туман ўрмон хўжалиги ходимларининг кўчат етиштиришда қўли-қўлига тегмайди.

Бундан ташқари, Сармижон, Қорхони, Армичан, Фиришкент қишлоқларидаги ҳар бир хонадонда Сумалак сайли учун онахонлар буғдойни обдон майсалатиб, дошқозонларни шайлаб қўймоқдалар. Бу ёшу-қарининг Наврўзни соғинганидан дарак.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**2** Иқтисодий ўсишнинг янги солиқ механизмлари

**Ягона солиқ тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашлари ўрнига ягона солиқ тўлови жорий қилинди.**

**3** Номзод алмашди

**Жанубий Корея ҳукумати Россиянинг илтимосига биноан халқаро космик станцияда учишга тайёргарлик кўраётган номзодни алмаштирди, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс.**

**4** Эртанги кун умиди

**Ҳақиқатан, ўтган ўқув йилида мазкур мактабларни битирган 229 нафар ўқувчининг 190 нафардан ортиғи вилоят ҳамда Тошкентдаги санъат ва маданият коллежларига ўқишга кирган бўлса, ўндан зиёди академик чолғу ва эстрада ижрочилари М.Қориёқубов номидаги ҳамда «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловларида ғолиб чиқдилар.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

# ҲАМКОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон — Туркманистон қўшма коммюникесига ҳамда 2007 йил 18 октябрда Ашхобод шаҳрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Туркманистон ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқларини алмашиш тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳукумат алоқаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, томонларнинг чегарабўйи ҳудудларида жойлашган хўжалик объектларидан фойдаланиш ва уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, агросаноат мажмуи соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим, икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги протокол имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ислом Каримов ва Гурбангули Бердимуҳамедов музокаралар ўзаро ишонч ва ҳурмат руҳида, ишчан кайфиятда ўтганини таъкидладилар. Икки томонлама муносабатларга доир масалалар, кўриб чиқилган халқаро ва минтақавий муаммолар борасида Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарларининг нуқтаи назари ўхшаш ва яқин эканлиги қайд этилди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб боришига ишонч билдирилди. Зеро, бундан Ўзбекистон ҳам, Туркманистон ҳам бирдай манфаатдор. Зотан, ҳамкорлик — тараққиётнинг муҳим омилидир.

— Ушбу ташрифга Ўзбекистон — Туркманистон муносабатлари ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин тасдиғи сифатида қараймиз, — деди Ислом Каримов. — 2007 йил октябрь ойида Ашхободда бўлиб ўтган учрашувлар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги янгича муносабатларни қарор топтириш, уни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш учун пойдевор бўлди. 2008-2012 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим ва дастур ушбу соҳадаги истиқболли вазифаларнинг ижро этилишини таъминлайди. Жорий йил бошида Ашхободда Ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг йиғилиши ўтказилгани ҳамда Ўзбекистон миллий кўргазмаси ташкил этилгани савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада фаоллаштиришнинг янги имкониятларини очишга хизмат қилди. Бугун имзоланган ҳужжатлар, жумладан, Қўшма коммюнике сиёсий мулоқотни мустаҳкамлаш, дўстлик ва ишончга асосланган ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон ва Туркманистон интилишлари муштарак эканлигидан яна бир далолат бўлди.

— Бугунги учрашув Туркманистон — Ўзбекистон муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарган Ашхобод саммитининг мантиқий давомидир, — деди Гурбангули Бердимуҳамедов. — Бу муносабатлар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик, амалий ёндашув асосига қурилган. Хусусан, бугун имзоланган агросаноат мажмуи соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим қишлоқ хўжалиги борасидаги алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилади. Ўзбекистон ва Туркманистон қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича катта тажрибага эга, селекция соҳасидаги муваффақиятларимиз ҳам эътиборга лойиқ. Замонавий қишлоқ хўжалиги технологиялари бўйича тажриба алмашиш икки томон учун ҳам фойдали бўлади. Мазкур ҳужжат Ўзбекистондан Туркманистонга қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни ҳам назарда тутади.

Дўрмон қароргоҳидаги тадбирлар ниҳоясига етгач, Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Бу ерда олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Туркманистон раҳбари Гурбангули Бердимуҳамедов Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бу монумент Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсатини, ўзбек халқининг бунёдкорлик ва фаровонлик йўлидаги эзгу интилишларини акс эттирувчи ноёб мажмуа эканлигини таъкидлади.

Гурбангули Бердимуҳамедов Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуига ташриф буюриб, Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи муборак зиёратгоҳини кўздан кечирди. Олий мартабали меҳмон бу ерда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди. Ушбу мажмуанинг бунёд этилиши мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш ва аждодларимиз қолдирган бой меросни асраб-авайлаш, ўрганиш ва тарғиб этиш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишларнинг самараси эканлигини, ISESCO томонидан Тошкент 2007 йилда ислом маданияти пойтахти деб эълон қилингани замирида чуқур маъно мужассам эканини алоҳида таъкидлади. Гурбангули Бердимуҳамедов Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган муқаддас Қуръоннинг ноёб қўлёзмаси — Усмон Қуръони номи билан машҳур китобни кўздан кечирди.

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедовнинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**(ЎзА)**

# ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

**Самарқанд вилоят кенгаши** ҳузуридаги сиёсий семинарнинг навбатдаги машғулоти ЎзХДП ёш фаолларининг қизғин иштирокида ўтди. Семинар бевосита уларнинг манфаатини ифода этувчи «Ёшлар — халқимиз, Ватанимиз келажаги, бугунги ва эртанги куннинг ҳал қилувчи кучи» мавзуига бағишланди.

— Ёшлар миллат таянчи, эртанги кунидир, — дея таъкидлади семинарда иштирок этган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, ЎзХДП фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамов. — «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёшларнинг кенг кўламда билим олиши, энг асосийси, бозор иқтисодиёти қонуниятларини чуқур ўзлаштирган етук кадрлар бўлиб етишишига замин яратмоқда. Мамлакатимизда ёшларнинг ҳам жисмонан, ҳам маънан кучли бўлиб вояга етишлари учун кенг имкониятлар яратилган.

ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамма вақт ёшлар манфаати, келажагига қаратилгани, ёшлар ҳам ўз навбатида бунга жавобан интилишлари, изланишлари кераклигини таъкидлаб ўтди. Партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларининг Ёшлар йилидаги вазифаларига алоҳида эътибор қаратди.

✧✧✧

**Навоий шаҳар кенгаши** «Ёшлар ўртасида миллий ва умуминсоний қадриятлар, анъаналарни тарғиб қилишда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда қатор корхона ва ташкилотлардаги бошланғич партия ташкилотлари фаоллари, коллеж ва лицей талабалари иштирок этди. Ўзбекистон ХДП Навоий шаҳар кенгаши раиси Лола Собирова мустақиллик йилларида юртимиз ёшлари манфаатларини ҳимоялайдиган қонунчилик базаси вужудга келгани, аждодларимиз қолдирган меросни асраб-авайлаш ва келгуси авлодга етказиш ҳақида тўхталди.

✧✧✧

**Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши**нинг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аъзоси С.Нурманов ҳозирги кунда партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. «Венера РВК» фермер хўжалиги раҳбари бўлиб ишлаб келаётган Халилла Ешимбетов Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгашининг раиси этиб сайланди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# Иқтисодий ўсишнинг

☑ **Учинчи мақола**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги «2006-2008 йилларда маҳаллий хомашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ — бутловчи қисм ва деталлар, тайёр маҳсулот турлари, материаллар хомашё ишлаб чиқарувчи корхоналар 2009 йилнинг 1 январигача маҳаллийлаштириш лойиҳалари бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотдан олинган даромад (фойда) солиғи, ягона солиқ тўлови, шунингдек, маҳаллийлаштириладиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланиладиган асосий ишлаб чиқариш фондлари бўйича мулк солиғи тўлашдан озод қилинган.

Мазкур қарорда назарда тутилган имтиёзлар бериш ҳисобига бўшайдиган маблағлар технология ускуналарини модернизация қилиш, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, маҳаллийлаштириш Дастурини амалга оширишга жалб этилган корхоналарнинг муҳандис-техник ходимларини рағбатлантиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 10 январига қадар:

— юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилиниши;

— фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акциялари миқдорида камайтирилиши белгиланди.

Шунингдек, мазкур имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига ва 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича тўланадиган дивидендларга нисбатан қўлланилади.

**Кичик бизнес субъектлари учун** — микрофирмалар ва кичик корхоналар солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китобларни давлат солиқ хизмати органларига ҳар чоракда бир маротаба тақдим этиб бориши белгиланди. Ягона солиқ тўловчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашлари ўрнига ягона солиқ тўлови жорий қилинди. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўлови тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган суммани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилди. Молия-хўжалик фаолияти ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта текширилиши ва янги ташкил этилган корхоналарни давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида текшириш ўтказилмаслиги белгиланди ва бир қатор қўшимча имтиёзлар берилди.

Ягона солиқ тўловлари ставкаси кичик корхоналар учун 13 %дан 10 %га қисқарди. Иқтисодиётни либераллаштиришда муҳим ўрин биринчи навбатда солиқ оғирлигини қисқартириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва умумлаштириш йўналишларига қаратилди.

# Бурч ва масъулият

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Қонунчилик палатасининг ўтган уч йиллик фаолияти давомида парламентнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати институти ривожланди, депутатларнинг сайловчилар билан ишлаши борасида ҳам эътирофга молик тажриба тўпланди. Қонунчилик палатаси депутатлари ўз сайловчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатишди. Лекин ҳаётнинг ўзи депутатнинг бу йўналишдаги ишларини янада ривожлантириш, такомиллаштириш заруратини келтириб чиқараяпти.

Қонунчиликда депутат ўз сайлов округидаги сайловчилар билан алоқа боғлаб туриши, палатада улар манфаатларини ифода этиши, сайловчилардан тушган мурожаатларни кўриб чиқиши, фуқароларни қабул қилиши, сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериб туриши белгиланган. Ўтган давр мобайнида ҳар бир депутатнинг сайловчилар билан алоқалари турли кўринишларда амалга ошириб келинмоқда. Депутатнинг бу фаолияти янада самарали бўлиши учун ўзи мансуб бўлган сиёсий партия маҳаллий кенгаши ёки сайловолди тадбирларида унга ишончли вакил бўлган фуқаролар орқали сайловчилар билан алоқалар ўрнатиш айни муддаодир. Шунингдек, депутатлар ўз сайловчилари билан алоқаларини янада мустаҳкамлаб бориши учун «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишлари ишларнинг янада самарали бўлишига хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

Қонунчилик палатасида сайловчиларнинг манфаатларини ифода этиш масаласида депутатлар самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳар бир депутат сиёсий партияга мансублигидан келиб чиқиб, тегишли фракция аъзоси ҳисобланади, Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига киради. Ўз-ўзидан аёнки, депутат сайловчилар манфаатларини сиёсий партия фракцияси, қўмита йиғилишлари, палатанинг ялпи мажлисларида ифода этиш имкониятига эга. Депутатнинг сайловчилардан тушган мурожаатларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқиши, фуқароларни қабул қилиши борасида олиб бораётган ишлари тартиби, йўл-йўриқлари «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунда аниқ ва равшан белгилаб қўйилган. Қонунчилик палатаси депутатлари бу йўналишдаги ишларни самарали ташкил этиб келаяпти. Бироқ сайловчилар томонидан кўтарилаётган ижтимоий соҳага хусусан, коммунал хизматлар кўрсатишнинг сифати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларига оид қатор масалаларга асосли жавоб беришда, уларни ўз ваколати доирасида ҳал этишда айрим объектив ва субъектив муаммоларга дуч келаётгани ҳам бор гап. Тўғри, бу депутатнинг бевосита ваколатига кирмайди. Лекин масъул ташкилотларга тушунтириш беришни сўраб ёзилган депутат хатларига асослантирилган жавобни олишда муаммолар ҳам йўқ эмас.

Сайловчиларга ўз фаолияти ҳақида ахборот бериб туриш Қонунчилик палатаси депутати сайловчилар билан олиб борадиган ишларининг энг муҳимидир. Шунинг учун ҳам Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасида ноябрь, февраль ва май ойининг охирги ҳафталари депутатлар сайловчилар билан ишлашлари учун ажратилган. Сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш учун депутатга зарур шарт-шароит яратиш, учрашув ўтказиладиган, депутат томонидан фуқаролар қабул қилиниши вақти, жойи ва бошқа чора-тадбирлар ҳам алоҳида белгилаб қўйилган.

Қонунчилик палатасининг ҳар бир депутати ўтган уч йил давомида ўз сайлов округларида сайловчилар билан учрашувлар ўтказиб келмоқда. Учрашувлар мавзуси, уларни ташкил этиш, депутатнинг ўз фаолияти ҳақида ахборот бериш шакли, услуби асосан ҳар бир депутатнинг ўзи танлаган усулда амалга оширилмоқда. Жумладан, ўтган ойнинг сўнгида Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан бу галги учрашувлари янада самарали ва фуқароларнинг фаоллигида, ишчанлик руҳида ўтганлигини таъкидлаш жоиз.

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловчилар билан учрашувларга кетишдан олдин мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ва бошқа тегишли статистик маълумотлар, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунлар ва кўриб чиқилаётган лойиҳаларни яна бир бор чуқур ўрганиб, сайловчиларнинг бу борадаги саволларига атрофлича жавоб қайтардилар. Энг асосийси, учрашувлар давомида фуқароларимизнинг сиёсий фаоллиги ошгани, улар онгида чуқур ўзгаришлар рўй бергани намоён бўлди.

Буларнинг барчаси депутатнинг ўз сайловчилари билан самарали алоқалар ўрнатганлиги, қонун яратишда сайловчилар талаблари эътиборга олинаётганидан далолат беради. Бундан сайловчилар — халқимиз манфаатдор бўлади.

**Абдуманноб РАҲИМОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси**







*Ташкил этилганига ҳали кўп вақт бўлмаган Қарши политехника касб-ҳунар коллежида бугун 1000 нафардан зиёд ўқувчи-ёш таҳсил олади. Айни пайтда ўқув даргоҳида автомобилларни ишлатиш ва таъмирлаш, электр жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш, газ, сув таъминоти ва канализация жиҳозларини ўрнатиш ва таъмирлаш ҳамда молия, бухгалтерия ҳисоби ва компьютер оператори мутахассисликлари бўйича кичик мутахассислар тайёрланмоқда.*

*Коллежнинг физика, кимё, биология, фан кабинетларида ўқувчилар замонавий билимларни эгаллашда, автомобиллар тузилиши, техника хизмат кўрсатиш, ўқув ишлаб чиқариш ҳамда сервис лабораторияларида малакали амалиёт дарсларини ўташ учун барча шароитлар мавжуд.*

*Коллежда, айниқса, маънавий-маърифий ишларга катта эътибор қаратилган. 112 минг китоб фондига эга замонавий кутубхона, фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази, жаҳон талаблари даражасида жиҳозланган маънавият ва маърифат хоналари доимо талабалар билан гавжум.*

***Суратларда:** коллеж ҳаётидан лавҳалар.*

**Абдурасул ПАРДА олган суратлар.**

☑ **Савоб**

# Меҳрибонлик намунаси

Ҳар биримиз хотиржам ва осойишта ҳаёт кечиришни хоҳлаймиз. Аммо кутилмаганда рўй берадиган кичик кўнгилсизлик ҳам кишини саросимага солиб қўйиши мумкин. Айтайлик, фарзандингиз тўсатдан қоқилиб, тан жароҳати олди. Бола-бола-да қанчалик эҳтиёткор бўлишга ўргатманг, шўхлик қилади, югуради, сакрайди... Оқибатда кутилмаган эҳтиётсизлик жабрини ота-она тортади. Шифохонага ётқизиш, дори-дармон, парҳез таом, йўл харажатлари дегандай. Бундан ташқари руҳий изтироблар-чи?.. Бундай вазиятда боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўп болали оилалар, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётганлар қандай аҳволга тушишини тасаввур қилиш қийин эмас. Ана шундай ҳолатларни ҳисобга олиб «Меҳржон-спорт» республика хайрия жамоат фонди ва «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси ҳамкорлигида бир нечта Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари турли бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинди. Унинг умумий қиймати 248 миллион сўмни ташкил этади. Хайрия тадбири доирасида Чирчиқ, Бўка, Қўқон, Андижон, Жиззах, Марғилон ва Тошкент шаҳарларидаги 12 та Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳамда пойтахтда жойлашган «SOS-Болалар маҳалласи»даги вояга етмаганлар қамраб олинди. Тарбияланувчиларнинг ҳар бирига алоҳида суғурта полислари топширилди.

**Заршед Каримов, «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси Бектемир туман бўлими мутахассиси:**

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, республикамизда истиқомат қилувчи кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик уйларида ва ўзгалар қарамоғидаги ўғил-қизларнинг бехосдан соғлиги ёмонлашиб қолса ёки тан жароҳати олганда ҳеч кимга қарам бўлиб қолмасликларини таъминлаш. Уларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтожлиги боис суғурта бадаллари ҳам ҳомийлар ҳисобидан молиялаштириб келинмоқда.

**Дилафрўз Жуманова, Тошкент шаҳридаги 31-Меҳрибонлик уйи директори:**

— Фарзандларимдан бири суғурта ҳужжатини қўлига олиб, «энди бирор жойим оғриб қолса, қўлимдаги суғурта қоғозидан фойдаланиб ўз соғлигимни тиклаб олсам бўларкан-да», деб сўради. Мен эса унинг кўнглини кўтариб «болам, илоё шундай ҳодиса рўй бермасин. Насиб этса, ҳали қанча ёруғ кунларинг олдинда» дея елкасига қоқиб қўйдим. Бизга «Меҳржон-спорт» фонди томонидан ажратилган суғурта ҳомийлиги фаолияти қисман чекланган тарбияланувчиларимизнинг соғайишида ҳам амалий ёрдам бўлади. Бундан ташқари «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ҳомийлигида фарзандларимиз саломатлигини яхшилашда бир йилда икки марта тор мутахассислар томонидан чуқурлаштирилган тиббий кўрик ўтказилиб, уларга керакли муолажалар қилинаяпти, зарурат туғилганда энг мураккаб операциялар ҳам амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, инсонпарварлик тамойиллари устувор бўлган давлатимизда ҳеч бир инсон эътибордан четда қолмайди. Эзгу мақсадлар билан камолга етаётган болакайларга суғурта ҳужжатининг топширилиши уларнинг ижтимоий ҳимоясига кўмаклашади, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлайди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# Янги солиқ механизмлари

Таҳлил ва таққос

Фақат 2000-2007 йиллар даврида фойда солиқ ставкаси 38 % дан 10 % га қисқартирилди, ягона ижтимоий тўлов 40% дан 24 % га, кичик бизнес ва қишлоқ хўжалик фермер ишлаб чиқарувчи субъектлар учун ягона солиқ 10 % гача камайтирилди, жисмоний шахсларнинг даромадидан ҳам солиқ ставкаси қайта кўриб чиқилиб қисқартирилди.

Натижада, фақат охирги етти йил ичида иқтисодиётда солиқ оғирлиги 40 % дан 27 % га пасайтирилди. Натижада, корхоналар молиявий ресурслари ҳам ўсди. Бу эса ўз навбатида инвестициянинг ўсишига, ўз айланма маблағларининг кўпайишига, ишчиларнинг иш ҳақи ва даромадлари ошишига қўшимча манба бўлди. Фақат 2007 йилда хўжалик юритиш субъектларига солиқ чегирмалари тақдим этиш ҳисобига республика молиявий ресурслари 830 млрд. сўмга кўпайди.

2008 йилда солиқ сиёсатини либераллаштириш жараёни давом этади. Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермер хўжалик субъектлари учун ягона солиқ ставкаси 10 % дан 8 % гача қисқартирилмоқда. Банк фойда солиғи ставкаси 17 % дан 15 % гача қисқартирилмоқда.

Қолган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар учун фойда солиқ ставкаси мунтазам даражада 10 % ҳажмда сақланиб қолади. Шу билан бирга бу ставка нафақат МДҲ давлатларида, балки иқтисодиёти ривожланган чет давлатлар ичида ҳам энг паст ставкалардан бири ҳисобланади.

Янги Солиқ кодексида кўриб ўтилган тартибларнинг меъёр ва низоми солиққа тортишга ёндашув ва тамойиллар амалиётида текширилган ҳамда жаҳон тажрибасида ўрганилган базада тайёрланди. Бу — биринчи навбатда, солиқ тизими ва солиқ муносабатларини умумлаштиришга йўналтирилган бўлиб, у мамлакат иқтисодиёти мувозанатини таъминлаш ва барқарор ривожлантиришда солиқларнинг рағбатлантирувчи ўрнини кучайтириш билан изоҳланади. Шунинг учун янги Солиқ кодексини амалиётда эътибор билан ўрганиш жуда муҳим, қаерда у самарали ишлайди, қаерда эса уни келгусида ривожлантириш ёки тўғрилаш муҳимлигини чуқур тушуниш керак.

**Янги Солиқ кодексида келтирилган айрим тушунчаларнинг таснифлари ҳам аниқлаштирилди. Масалан, юридик шахс** — Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, мустақил балансига ёки сметасига эга бўлган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ҳамда уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот;

— чет давлатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилган ҳамда Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган хорижий ва (ёки) халқаро ташкилот.

**Жисмоний шахс** — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллик фуқаролар, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

**Доимий муассаса** — Норезидентнинг Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасаси деганда норезидент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган, шу жумладан, фаолиятни ваколатли шахс орқали амалга ошираётган ҳар қандай жой эътироф этилади.

**Умидсиз қарз** — суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз;

**Савдо фаолияти** — қайта сотиш мақсадида олинган товарларни сотишга доир фаолият.

**Солиқ кодексининг умумий қисми** Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш асосларига бағишланган бўлиб, амалдаги Солиқ кодексига нисбатан тубдан ўзгартирилди ва кенгайтирилди. У солиқ қонунчилигининг умумий масалаларини тартибга солиб, иқтисодиётни либераллаштириш бўйича мавжуд қонун, Фармон ва қарорларда акс эттирилган нормалар асосида ишлаб чиқилган.

**Якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари:**

Оддий ширкат шартномаси бўйича биргаликдаги фаолият фақат якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан амалга оширилган тақдирда, биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилишни амалга оширувчи ишончли шахс мазкур маҳсулотни реализация қилишдан олинган тушумдан микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўлови, шунингдек, агар биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот акциз тўланадиган маҳсулот бўлса, акциз солиғи тўлайди.

Агар якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини муайян муддатга тўхтатса, у ўз фаолиятини тўхтатгунига қадар тадбиркорлик субъектини рўйхатдан ўтказувчи органга фаолиятини вақтинчалик тўхтатиш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномани ҳам топширади.

Якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисидаги аризани ва унинг давлат рўйхатидан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳномасини олган, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширадиган орган солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига якка тартибдаги тадбиркорнинг фаолияти вақтинчалик тўхтатилганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланадиган шаклда ахборот тақдим этади.

Шунингдек, Кодексга янги бонус тушунчаси киритилиб, бонус ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси, яъни янги солиқ механизмлари, шубҳасиз, давлат миқёсида иқтисодий ўсишга олиб келади ва аҳоли даромади ўсишини таъминлайди.

**Тозабек ТОШМУРОДОВ,**
**иқтисод фанлари доктори, профессор.**

XORIJDA

## Социалистлар ғолиб чиқди

*Испаниянинг амалдаги социалистик партияси якшанба куни бўлиб ўтган парламент сайловида ғолиб бўлди, деб хабар беради РИА Новости. Испания бош вазири Хосе Луис Родригес Сапатеронинг айтишича, унинг ўзи бошчилик қиладиган янги ҳукумат «барча испанлар, айниқса, кам таъминланганлар манфаатини кўзлаб ишлайди». Сайлов натижаларига кўра, партия парламентда 168 та ўринга эга бўлди. Партиянинг асосий рақиби бўлмиш Халқ консерватив партияси эса 154 та ўрин олишга эришди. Қолган ўринларни саккизта партия бўлиб олган. 92 та партия иштирок этган референдумда сайловчиларнинг 75 фоизи овоз берди.*

## Алоқалар тикланди

*Венесуэла Колумбия билан дипломатик алоқаларни тиклашга тайёр, деб хабар беради Рейтер. Эслатиб ўтамиз, Колумбия Венесуэла ҳудудида ҳарбий операция ўтказгач, Эквадор ва Никарагуа ҳам Колумбия билан дипломатик алоқани узган эди. Эквадор ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида айтилишича, Венесуэла ўз вакилларини Боготага юборади.*

## Ўн биринчи саммит

*Ислом конференцияси Ташкилотига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари душанба куни Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида ислом саммитининг кун тартибини кўриб чиқади, деб хабар қилади РИА Новости. Ислом дунёсидаги энг йирик ташкилотнинг ўн биринчи саммити 13-14 мартда «XXI асрда Ислом» шиори остида ўтказилади. Вазирлар 2005 йил Макка шаҳрида тасдиқланган ташкилотнинг ўн йиллик дастурини муҳокама этади. Бундан ташқари вакиллар ташкилотнинг 1972 йилда қабул қилинган уставини қайта кўриб чиқишлари лозим. Ташкилотга аъзо давлатларда қашшоқликка қарши курашиш, ўзаро тажриба алмашиш, ғарб мамлакатларида исломга муносабат ва Фаластин муаммоси ҳам учрашувнинг долзарб мавзуидир.*

*Ислом конференцияси ташкилоти 1969 йил тузилган. Айни вақтда унга 57 давлат аъзо. Беш мамлакат, жумладан Россия ташкилот ҳузурида кузатувчи давлат сифатида ишлайди. Ташкилот унга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, бошқа давлатлар билан алоқасини яхшилаш, дунёдаги ислом зиёратгоҳларини муҳофазалаш ва фаластин халқини қўллаб-қувватлашни мақсад қилган.*

## Номзод алмашди



*Жанубий Корея ҳукумати Россиянинг илтимосига биноан халқаро космик станцияда учишга тайёргарлик кўраётган номзодни алмаштирди, деб хабар беради Ассошиэйтед Пресс. Парвоз кейинги ойга режалаштирилган. Корея фан ва техника вазирлиги томонидан ўтган йил сентябрида мамлакатнинг биринчи космонавти этиб тасдиқланган ўттиз бир ёшли Ко Сан йигирма саккиз ёшли Ли Со Енга алмаштирилди. Хабарларга кўра, Ко Сан Гагарин номидаги космонавтларни тайёрлаш марказида тартибни бузган.*

## 17 марта ер қимирлади

*Эрон шарқидаги Жанубий Хуросон провинциясида бир кунда 17 марта ер силкиниши бўлиб ўтди. Фалокат натижасида бир киши жароҳатланган, деб хабар қилади РИА Новости. Теҳрон университетининг геофизика маркази хабарига кўра, илк содир бўлган зилзила магнитудаси Рихтер шкаласи бўйича 5,1 ни ташкил этади. Биринчи зилзиладан кейинги олти соат мобайнида магнитудаси 1,9-3,7 гача бўлган 16 та ер қимирлаши юз берган. Эслатиб ўтамиз, 2003-2005 йил Бам ва Заранд шаҳарларида юз берган зилзилада 31 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлганди.*

Юрт ободлиги

# Гузарда чойхона, тўйхона ва меҳмонхона





***Гулистон.*** *Бу ердаги Муқимий маҳалласи гузарида шаҳар маъмурияти фармойиши билан эскириб қолган нуронийлар чойхонаси таъмири бошланди. Энди чойхона ёнида 500 ўринли тўйхона ва 36 ўринли ҳамма қулайликларга эга меҳмонхона ҳам барпо қилинадиган бўлди. Ҳозир бу ерда Ботир Холматов бошлиқ пардозчи усталар жадал иш олиб боришаяпти. Шунингдек, гузар мажмуаси таркибида 6 та маиший хизмат шохобчаси (сартарошхона, соатсозлик — радио устахонаси, дорихона ва ҳоказо) ҳам ўрин олган.*

**Мунаввар ПАРДАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



**Суратларда:** *янги меҳмонхонанинг ташқи кўриниши; маҳалла гузари биносининг умумий кўриниши; гузар тўйхонасида пардозлаш ишлари жараёни.*

**Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган суратлар.**


## «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонаси

**2008 йилнинг 11,15,18,22,25,29 апрель кунлари аукцион савдоларини ўтказади**

Аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси. 4-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хўжалик бошқармасига қарашли 1991 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 ВН 019 бўлган «Линкольн» русумли автотранспорт воситаси **27 100 000 сўм бошланғич нархи** билан қўйилади.

Савдоларда қатнашиш истагани билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» давлат унитар корхонасининг АТИБ «Ипотека банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000004243151002 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади.

***Савдолар соат 11.00 да бошланади.***

***Савдолар Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.***

**Маълумот учун телефон: 233-23-49.**


Иқтисодиёт ва ислоҳот

# Мижознинг кўнглини топмоқ осонмас

**бу оддий ҳақиқатни англаган Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик-тижорат банки Қашқадарё бўлими жамоаси ўз вазифаларини сидқидилдан бажармоқда**

...Тадбиркор Саломат Комилова Х.Комилов номидаги мебель ишлаб чиқариш корхонасини хусусийлаштириб олганидан сўнг бу ерда маҳсулот тайёрлаш миқдори анча кўпайди, сифати ошди. У аввалига ўз маблағи ҳисобидан иш юритди. Ўтган йилнинг баҳоридан эса вилоят ва қўшни вилоятлар халқ таълими бўлимларининг буюртмасига асосан ўқув-столлари ва стулларини ишлаб чиқаришга киришди. Бунинг учун каттагина маблағ зарур эди.

Шу боис Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки Қашқадарё вилоят бўлимига мурожаат қилди. Банк эса бу хайрли ишдан маблағни аяб ўтирмади. Тадбиркорга бир йил муддатга 50 млн. сўм кредит ажратиб берилди. Шундан сўнг корхонанинг ишлари юришиб кетди. Йил охиригача 162 млн. сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилди. Корхона 36 млн. сўм соф даромад ҳам кўрди. Кредитни эса ойма-ой сўндириб бормоқда. Йигирмата янги иш ўринлари яратилганлиги ҳам қувончли.

Абдунаим Эркаев раҳбарлигидаги «Ёрқўрғонпарранда» масъулияти чекланган жамияти эса парранда зотини яхшилаш, унинг маҳсулдорлигини ошириш учун мазкур банкдан кредит сўраб мурожаат қилди. «Савдогар» банкнинг Қашқадарё бўлимидагилар уч йил муддатга қайтариш шарти билан 50 млн. сўм кредит ажратиб беришди. Ушбу маблағ ҳисобидан тадбиркор қўшни Самарқанд вилоятидан зотдор жўжалар олиб келди. 30 млн. сўм маблағ эса жўжаларни парвариш қилиш учун дори-дармонга ва омухта ем сотиб олишга ишлатилди. Айни пайтда ишлар бинойидек ривожланмоқда. Аҳолига кўплаб парҳез гўшт ва тухум етказиб берилмоқда. Олинган кредитнинг фоизлари вақтида тўлаб бориляпти.

Ўзбекистон — Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банкининг Қашқадарё вилоят бўлими қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳам катта маблағ ажратмоқда. Жумладан Молия Вазирлигининг молиявий ресурси ҳисобидан фермер хўжаликларига 2007 йил ғалла ҳосили учун 37 млн. сўм, пахта ҳосили учун 40 та фермер хўжалигига 353 млн. сўм, жами 390 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди ва бу маблағнинг ҳаммаси хўжаликлар томонидан тўлиқ қайтарилди.

2007 йил давомида 322 та хўжалик юритувчи корхона ва ташкилотларга 3 млрд. 527 млн. сўм миқдорида қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилди. Жами кредит қўйилмаси 2008 йилнинг 1 январь ҳолатида 3 млрд. 685 млн. сўмни ташкил қилган бўлиб, шундан қисқа муддатли кредитлар 2 млрд. 217 млн. сўмни, узоқ муддатли кредитлар 1 млрд. 398 млн. сўмни ташкил қилди.

Вилоят бўлимида бозор иқтисодиёти инфратузилмасини кенгайтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни кўпайтириш, истеъмол бозорини улар билан тўлдириш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш мақсадида ўтган йилда бир қанча ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан банкнинг ўз маблағи ҳисобидан чорва моллари сотиб олиш учун 90 млн. сўм миқдорида микрокредит берилиши режалаштирилган эди. Бу режа бўйича вилоят бўлимида 149 та жисмоний шахсга 157,5 млн. сўмлик микрокредитлар қорамол сотиб олиш учун йиллик 14 фоиз устама билан уч йил муддатга берилди. Ёки режа 175 фоизга бажарилди. Бундан ташқари Бош келишув шартномасига асосан 14 та кам таъминланган фуқарога меҳнат бандлигининг ресурси ҳисобидан қорамол сотиб олиш мақсадида йиллик 3 фоиз устама билан уч йил муддатда қайтариш шарти билан 14 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Бўлим томонидан 2007 йил давомида кичик ва хусусий бизнес субъектларига банкнинг ўз маблағи ҳисобидан 1 млрд. 315 млн. сўмлик, меҳнат бандлиги ресурси ҳисобидан эса 14 млн. сўм, жами 1 млрд. 329 млн. сўм қисқа ва узоқ муддатли кредитлар берилди.

Кейинги пайтда мижозлар сони ҳам ошиб бораётир. 2008 йил 1 январь ҳолатига 811 та хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатилган бўлса, уларнинг 703 таси юридик шахслар, биттаси қўшма корхона, 47 таси фермер хўжалиги, 60 таси эса якка тартибдаги тадбиркордир.

Пул муомаласини мустаҳкамлаш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига жалб этиш бўйича 2007 йил мобайнида банкда муайян ишлар амалга оширилди. Бунинг натижаси ўлароқ 2007 йил давомида иш ҳақи ва биринчи даражали тўловлар ойма ой тўлиқ нақд пул билан таъминланди.

2007 йил давомида вилоят бўйича 4 млрд. 88,6 млн. сўм савдодан, 23,9 млн. сўм коммунал тўловлардан, 2 млрд. 379,3 млн. сўм аҳоли омонатларидан ва 1 млрд. 933,1 млн. сўм бошқа тўловлардан нақд пул тушуми ҳосил бўлди.

Бундан ташқари ушбу давр мобайнида банк кассасидан жами вилоят бўйича 8 млрд. 949,1 млн. сўм нақд пул чиқим қилинган бўлиб, шундан биринчи даражали тўловларга 7 млрд. 561,9 млн. сўм берилди. 2008 йилнинг 1 январь ҳолатига банкда биринчи даражали тўловлардан ва корхона ҳамда ташкилотларнинг иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликлари мавжуд эмас.

Нақд пул тушумига эга бўлган хўжалик субъектларига савдо пул маблағларининг кундалик келиб тушиши устидан доимий мониторинг амалга ошириляпти, мижозларга уларнинг депозит ҳисоб варақларидан нақд пулларнинг узлуксиз берилишини таъминлаш ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун олинган нақд пул маблағларини ўз вақтида тарқатилиши ҳам ўрганиб чиқилмоқда.

Аҳолининг коммунал тўловлар бўйича мавжуд қарзларини ундириш самарадорлигини ошириш мақсадида иккита автомашина ажратилди ва 2 та махсус касса ишлаб турибди. Банкда 2007 йил 1 январь ҳолатига 38 та нақд пул тушумига эга мижозларга шартнома асосида инкассация хизмати кўрсатиб келинмоқда.

Аҳоли бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб қилиш бўйича 2007 йилнинг 1 январь ҳолатига омонат қолдиғи жами 497,5 млн. сўмни ташкил этади.

Аҳоли омонатларини банкка жалб қилиш мақсадида банк бошқаруви томонидан йил мобайнида юқори фоизли жозибадор, йиллик 25-28 фоизли янги «Антиқа», «Оқ олтин», «Олтин куз», «Туҳфа» омонат турлари жорий қилинди.

Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги 445-сонли «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» қарорига асосан 2007 йил давомида вилоят бўйича чакана савдо ташкилотларига жами 30 та терминал ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, бу терминаллар тўлиқ ўрнатилди. Йил якунлари бўйича терминаллар орқали савдо айланмаси жами 194,9 млн. сўмни ташкил этади.

Бундан ташқари, йил давомида фуқароларга жами 3500 та пластик карточкалар тарқатилди.

Банкда 2007 йил 1 январь ҳолатига сотилган акциялар қолдиғи жами 16,6 млн. сўмни ташкил этади. Жисмоний шахсларга 4,0 млн. сўмлик депозит сертификатлари сотилди.

Хуллас, банк бўлими жамоаси ўз мижозларига астойдил хизмат қилмоқда. Бундан эса тадбиркору ишбилармонлардан тортиб, корпоратив мижоз ҳам, ҳатто оддий омонатчилар ҳам мамнун.

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбирлари.**



Баркамол авлод орзуси

# Эртанги кун умиди

Бухорои шариф нафақат асрлар оша жаҳонни лол қолдирган ноёб тарихий обидалари, балки бой мусиқий мероси, айниқса, миллий санъатимиз дурдонаси бўлмиш «Шашмақом»у унинг моҳир ижрочилари билан машҳур бўлиб келган. Мутал Бурхонов, Мухтор Ашрафийлар камол топган бу кўҳна юртда бугун ҳам мусиқий таълим-тарбияга бўлган эътибор ўзгача.

— Айни пайтда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Садриддин Шаропов, — 18 та болалар мусиқа мактаби, битта санъат мактаби ёш истеъдодларни тарбиялашга хизмат қилаётир. Бу даргоҳларда 2269 нафар фарзандларимизга 20 га яқин ихтисослик бўйича сабоқ бериляпти.

Ҳақиқатан, ўтган ўқув йилида мазкур мактабларни битирган 229 нафар ўқувчининг 190 нафардан ортиғи вилоят ҳамда Тошкентдаги санъат ва маданият коллежларига ўқишга кирган бўлса, ўндан зиёди академик чолғу ва эстрада ижрочилари М.Қориёқубов номидаги ҳамда «Санъат ғунчалари» республика кўрик-танловларида ғолиб чиқдилар. Бунинг ўзи вилоят мусиқа мактабларида таълим-тарбия жараёни ҳақида ёрқин тасаввур беради.

Суҳбатдошимизнинг таъкидлашича, вилоятда мусиқа мактаблари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Маданият ва спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг 2007 йилги дастурига мувофиқ, ўтган йил шу йўналишдаги мактабларга 32,7 миллион сўмлик мусиқа асбоблари ҳамда бошқа жиҳозлар олиб берилган. Мусиқа мактабларини жорий таъмирлашга эса 20 миллион сўм маблағ сарфланган.

Бу — ҳамма ишлар жойида дегани эмас, албатта. Биз яқинда Ғиждувондаги Шоди Азизов номли мусиқа мактабида бўлганимизда, бундан юз йиллар илгари қурилган билим масканидаги аҳволни кўриб, очиғи, афсусланишдан бошқа чора тополмадик.

— Бизда хоналар иситилмаса-да, машғулотлар мунтазам ўтади, — дейди мактаб директори Муҳаммаджон Фаттоев, — 166 нафар ўқувчига 6 та ихтисослик бўйича сабоқ бериб келяпмиз. Президентимизнинг болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича яқинда эълон қилинган Фармойишидан сўнг эртанги кунга ишончимиз ошди. Чунки биз ҳам яхши бинога, қулай шароитга эга бўламиз.

Туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Олима Элованинг айтишича, яна бир мусиқа мактаби олис Армичан қишлоғида фаолият кўрсатади. Бу ерда ҳам ечимини кутаётган муаммолар кўп. Ҳозир ҳар иккала маскандаги бу муаммолар атрофлича ўрганилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, вилоятдаги 18 та мусиқа мактабидан атиги 4 таси махсус лойиҳа асосида қурилган бинода жойлашган. Қолганлари эса мослаштирилган биноларда фаолият кўрсатади. Бунинг устига мусиқа ва санъат мактабларида олий маълумотли ўқитувчиларга бўлган талаб анча юқори. Бу жойларда ишлаётган 360 нафар педагогдан фақат 90 нафаригина олий маълумотга эга экан.

Дарвоқе, илгари мусиқа мактаблари биноларини таъмирлаш, улар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишлари шунчаки қўл учида бажарилганлиги боис ҳозирги аҳвол юзага келган. Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлод маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, уларнинг миллий ҳамда жаҳон мусиқа маданияти юксак намуналаридан баҳраманд бўлишлари учун ғамхўрлик кўрсатилаётган экан, жойлардаги бундай аҳвол яқин орада ўз ечимини топади.

— Вилоятимизда ҳам тайёрланажак дастур асосида ҳавас қилса арзигулик мусиқа мактаблари бунёд бўлади, — дейди Вобкентдаги мусиқа мактаби директори Озод Одилов. — Бундай таълим муассасалари малакали кадрлар, зарур чолғу асбоблари билан тўла таъминланади. Ўқитувчилар меҳнати моддий-маънавий рағбатлантирилади. Буларнинг барчаси мактаб партасиданоқ бўлажак санъатимиз давомчиларини аниқлаб олиш ва улар истеъдодини ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб бериши шубҳасиз.

**Даврон БАҲРОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**



# Ёшларга ғамхўрлик — келажакка эътибор

**Ўзбекистон Республикасининг Брюсселдаги элчихонасида мамлакатимизда 2008 йил — Ёшлар йили деб эълон қилинишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Анжуманда Бельгия сиёсий ва жамоат ташкилотлари, Европа Иттифоқи, Европарламент, дипломатия миссиялари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.**

Ёш авлодни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асосни янада мустаҳкамлаш, ёш оилалар ва тадбиркорларга кўмак кўрсатиш, шунингдек, фан, маданият, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдодли ёшларни аниқлаш, таълим олиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш ва баркамол авлодни тарбиялаш бўйича республикада аниқ мақсадли сиёсат олиб борилаётганига эътибор қаратилди.

Брифинг доирасида Ёшлар йилига бағишлаб, ўзбек кино усталари томонидан суратга олинган «Келажакка интилиб» номли фильм намойиш этилди.

Брюссель Эркин университети профессори Жан Бланкофнинг фикрича, Ўзбекистонда Ёшлар йилининг эълон қилиниши мамлакат раҳбарияти жамиятнинг келгусидаги тараққиётига улкан эътибор қаратаётганидан далолат беради.

Жан Бланкоф Ўзбекистонда ёшларни турли соҳалар учун юқори малакали кадрлар қилиб тарбиялаш, уларни интеллектуал ривожлантиришга қаратилган чуқур ўйланган ва аниқ мақсадга қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда, дея таъкидлади. Бу эса ўз навбатида ёшларни жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашининг кафолати бўлмоқда.

— Ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги масалаларни умумдавлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қарайдиган давлатнинг келажаги шубҳасиз, буюкдир, — деди Жан Бланкоф.

**«Жаҳон» АА**
*(Брюссель).*

# Эгизаклар беллашуви

Учқўрғон педагогика коллежида бўлиб ўтган бу галги ўқувчи-ёшлар беллашуви фақат эгизаклар иштирок этганлиги билан ҳам ўзига хос мазмун касб этди.

Ҳасан-Зуҳра Охунова, Фотима-Зуҳра Жалолова, Фотима-Зуҳра Эргашева, Фотима-Зуҳра Алиматоваларнинг зукко ва чаққонликлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Бешта шарт бўйича ўтказилган беллашув ғолиблари эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**


![NBU]

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

***қуйидаги омонатларга маблағлар қабул қилиш тикланганлигини маълум қилади:***

*— Миллий валютадаги «БАҲОРГИ» омонати. Амал қилиш муддати — 45 кун, фоиз ставкаси — йиллик 27%, 2008 йил 15 апрелгача қабул қилинади;*

*— АҚШ долларидаги «КОМФОРТ-2» омонати. Амал қилиш муддати — 1 йил, фоиз ставкаси — йиллик 9%, 2008 йил 1 апрелгача қабул қилинади.*

*Қуйидаги депозитлар амалга киритилмоқда:*

*АҚШ долларидаги* **«СЕВИНЧ»** *муддатли банк омонати ва миллий валютадаги* **«ХОТИРЖАМЛИК»** *муддатли банк омонати.*

**«СЕВИНЧ» ОМОНАТИ:**

- *амал қилиш муддати — 2 йил, фоиз ставкаси — йиллик 10%;*
- *омонат бўйича фоизлар ҳар чоракда (талаб қилиб олинмаган фоизларни капитализация қилмасдан) ва омонат муддати тугаганидан кейин, операция бажарилаётган кунда амалда бўлган Марказий банк курси бўйича сўмда тўланади;*
- *омонатнинг энг кам миқдори — 3000 АҚШ доллари;*
- *қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.*

**«ХОТИРЖАМЛИК» ОМОНАТИ:**

- *амал қилиш муддати — 16 ой, фоиз ставкаси — йиллик 26%;*
- *омонат бўйича фоизлар ҳисобварақ очилаётган куни бўнак тарзида ҳисобланади ҳамда коммунал ва бошқа хизматлар ҳақини тўлаш учун нақдсиз шаклда ўтказилади;*
- *қўшимча бадаллар қабул қилинмайди.*

*«Севинч» ва «Хотиржамлик» омонатларига пул маблағлари 2008 йил 1 августгача қабул қилинади.*

*Сизнинг Миллий банкдаги жамғармаларингиз Фуқаролар омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.*

***Қўшимча ахборотни 235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ҳамда банкнинг ҳар қандай бўлими ёки филиалидан олиш мумкин.***

***www.nbu.com***


# Полвонларнинг зўри

**пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида ўтказилган навбатдаги Ўзбекистон чемпионатида аниқланди.**


М.АМИН (ЎзА) олган сурат

Унда етти (60, 66, 73, 81, 90, 100 кг. ва мутлақ) вазн тоифасида тўрт юз нафарга яқин полвон ғолиблик учун гиламга чиқди.

— Бу йил юртимиз курашчилари кўплаб халқаро мусобақаларда иштирок этадилар, — дейди Ўзбекистон кураш миллий федерацияси бош котиби Тўлқин Рўзиев. — Икки кун давом этган мамлакат чемпионати беллашувлари Ўзбекистон терма жамоасига кучлиларни саралаб бериши билан аҳамиятли эди. Шу боис, юртимизнинг энг иқтидорли полвонлари баҳсларда ғолиблик учун кураш олиб боришди. Мисол учун, биргина 73 кг. вазн тоифасида 110 нафар курашчининг қатнашганлиги учрашувларнинг ниҳоятда муросасиз ва кескин ўтишини таъминлади.

Мусобақа якунида ўз вазн тоифаларида Жонибек Муқимов (60 кг., Бухоро), Тўрабой Ўтаев (66 кг., Сурхондарё), Яҳё Имомов (73 кг., Тошкент), Абдулла Холиёров (81 кг., Сурхондарё), Шерали Жўраев (90 кг., Тошкент), Мелибой Ибрагимов (100 кг., Самарқанд) ҳамда Ҳусан Ҳасанов (мутлақ, Сурхондарё)лар шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилдилар.

**Эркин ХОЛБОБО**

***Суратда:*** *мусобақадан лавҳа.*

Футбол

# Кутилмаган натижалар

Футбол бўйича Ўзбекистон XVII миллий чемпионати иккинчи тур баҳслари ортда қолди. Унда бир қатор кутилмаган натижалар қайд қилинди.

Мавсумнинг илк учрашувида Қаршида «Насаф» футболчиларига 0:1 ҳисобида имкониятни бой берган Самарқанд динамочилари ўз майдонларида Жиззахнинг «Сўғдиёна» жамоасини қабул қилишди. Кўпчилик бу баҳсда Тачмурод Агамуродов шогирдларининг ғалабасини башорат қилишаётган эди. Бироқ Ислом Чориев киритган ягона тўп «Динамо» футболчиларини доғда қолдирди — 0:1. Шунингдек, Бекободда «Металлург» футболчиларининг «Қизилқум» (Зарафшон) жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазганликлари ҳам мухлисларни ажаблантирди. Дастлабки турда «Қурувчи» футболчиларига муносиб қаршилик кўрсатган «Навбаҳор-Н» жамоаси қўшнилари «Андижон» билан очко бўлишишди — 0:0.

Тошкентда ўтган «Қурувчи» — «Нефтчи» учрашуви Осиё чемпионлари лигаси баҳслари олдидан Миржалол Қосимов шогирдлари учун ўзига хос синов ҳамда тайёргарлик вазифасини ўтаб берди. Унда пойтахтликлар 3:1 ҳисобида зафар қучишди.

Қолган ўйинларда қуйидаги натижалар қайд этилди: «Шўртан» — «Бухоро» — 2:1, «ЎзДонгЖу» — «Пахтакор» — 0:1, «Локомотив» — «Насаф» — 0:0, «Машъал» — ОТМК — 2:0.

# Суперсаксафон оҳанглари

Сурнай навосидаги ҳазинлик, нафислик ва жарангнинг уйғунлиги оромбахшдир. Сурнай ва саксафон жўрлигида эса ўзига хослик бор. Зеро, паст-баланд пардаларда ёқимли оҳанг таратувчи саксафоннинг нуфузли катта саҳнага чиқаётгани сир эмас. Мусиқа ижодкорлари эса Республика Давлат консерваториясида 17, 18, 19, 20 март кунлари оқшомда бериладиган концертни «Суперсаксафон» деб аташди.



Концертда Республикада хизмат кўрсатган артист Юнус Гулзаров, халқаро жаз фестиваллари лауреати Булат Мустаев, Ботир Зокиров номидаги оркестр яккахонларидан Владимир Терегулов, Абдурашид Алаутдинов ҳамда Олим Абдуллаев, Саидмурод Муродов, Герат Исанбоев каби моҳир ижрочилар иштирок этади.

**Саксафон концертига марҳабо!**


**КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА ҚУРИЛИШ ФИРМАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**«ПГС»** **Тошкент ишлаб чиқариш корхонаси**

**қуйидагиларни тайёрлаб бериш учун буюртмалар қабул қилади:**

- электр калорифер-иситгичлар (саноат корхоналари учун, қуввати — 6, 12-20 кВт);
- электр калорифер-иситгичлар (маиший қуввати — 1, 8 кВт);
- мини новвойхоналар (ишлаб чиқариш қуввати — соатига 64 та буханка нон);
- электр қозонлар (қўра), қуввати — 2, 9, 12 кВт;
- кабоб пиширадиган электр қўралар (умумий овқатланиш корхоналари учун ва маиший) — 1,7 - 6 кВт;
- сауналар учун электр жиҳозлар, қуввати — 2, 6, 8, 10, 12 кВт.



**Буюртмаларни қуйидаги манзилга:**
***Тошкент шаҳри, Гавҳар кўчаси, 125-уй,***
**электрон почта: e-mail: *pgs4@yandex.ru*** ёки
***тел/факс: 279-38-54*** орқали юбориш мумкин.
2008 йил 31 мартгача буюртма берган ташкилотлар биринчи навбатда ушбу кунгача бўлган нархда жиҳозларни харид қиладилар.
**Маҳсулот сертификатланган.**



**Жиҳозлар Давлат ёнғинга қарши назорат ташкилоти томонидан фойдаланишга рухсат этилган.**



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti — 233-10-13
Madaniyat va sport — 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56
Mas`ul kotib — 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar — 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Bardambek SA`DULLAYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikromjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 249
15651 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 21.20
Topshirilgan vaqti — 23.50
1 2 3 4 5 6 8
Sotuvda erkin narxda